

# O'ZBEKISTON



# O'VOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2006-yil • 17-iyun • Shanba • 69 (27.561) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## УЗОҚ-УЗОҚЛАР КЎЗЛАНГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР



— Биз кураётган касб-хунар коллежи келгусида вилотимиз халқ хўжалиги соҳаларига малакали ёш кадрлар тайёрлаб беради, — дейди Жиззах вилоти Мирзачўл туманидаги «Заргидротамбир» корхонаси раҳбари Баҳром КАРИМОВ. — Улар эса иқтисодийимиз ривож ва ижтимоий ҳаётимиз фаровонлиги учун хизмат қиладилар...

— Тўғри, — тасдиқлади ҳамсўхбати Олимжон Абдурахимов, — фақат бизнинг қишлоқдаги коллежгина эмас, республикамизнинг ҳамма туманлари, ҳатто олис-олис ҳудудларда тикланаётган барча коллежлардан кутилаётган мақсад ҳам шу...

Сўхбатдошлар гурунғидан маълум бўлдики, гап — тумандаги «Пахтазор» агрохизмат марказида курилатган янги ўқув маскани ҳақида кетаяпти. Дарвоқе, бу йил 400 нафар ёш йигит-қиз янги йилини мазкур касб-хунар коллежиде бошлашди. Хозир бу ерда курилиш-монтаж ишлари жадал кетаяпти. Айни пайтда ўқув жиҳозлари, замонавий буюмлар, дарсликлар ҳам олдидан пешма-пеш келтириб қўйилмоқда.

— Янги иншоот вилотимизда намунали коллежлардан бўлади, — дейди «Заргидротамбир» курувчилар жамоаси иш юритувчиси Мусурмонкул Назарматов. — Уни Мустақилликнинг 15 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширишни ният қилганмиз.

(Ўз мухбиримиз)



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Суратларда: гишт терувчи О.Қорақулов; монтаж бригадаси бошлиғи О.Сатторқулов ва М.Назарматов.

### • ЎзХДП ҳаёти

## УМИД НИҲОЛЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё туман кенгаши хайрли бир тадбирни амалга оширди.

Партиядан сайланган халқ депутатлари вилот Кенгаши депутатлари Алимбой Нишон, Бобур Алиев, туман Кенгаши депутатлари Роза Кулиева, Олимжон Абдуллаев, Зокиржон Эшонқулов, Шокиржон Зариповлар ўз ҳисобидан туман мактаблари ва коллежларида ўқитган кам таъминланган оилаларнинг бир гуруҳ иқтидорли, аълочи ва жамоатчи ўқувчиларига стипендиялар таъсис этган эдилар. Кун кеча ушбу стипендияларни топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Сирдарё туман мактаблари ва коллежларидан тақдир этилган 48 нафар ЎзХДП стипендиатлари, кам таъминланган, ногирон болалар ҳамда туманда истиқомат қилувчи кўпга ёшлар қатнашди.

— Бизга партия туман кенгашининг бу ташаббуси жуда маъқул келди, — деди биз билан сўхбатда Сирдарё туман Кенгаши депутати Роза Кулиева — Айниқса, кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига бу каби эътибор муҳим аҳамиятга эга. Биз айнан билимли ёшларни

қўллашимиз шарт.

Бахт шахридаги касб-хунар коллежи ўқувчиси, стипендиат К. Воронцовнинг бу хайрли ишга қандай муносабатда эканлиги билан қизиқдик.

— Уюштирилган чиройли тадбирда, тенгдошларим олдиде топширилган стипендия менга ажойиб муқофот бўлди. Айни дамда қалбимда икки истак туғилди. Бири, келажакда ЎзХДП сафига қўшилиш ва бу партия дастурларини амалга оширишда ҳисса қўшиш бўлса, иккинчиси, туманимизнинг саховатли депутатлари сингари саховатли ишларнинг бошида бўлишдир.

Тадбирга стипендиат ўқувчилар билан бирга уларнинг устозлари, ота-оналари ҳам ташриф буюришганди. Куй-қўшиқлар ва қизиқарли ўйинларга улашиб кетган байрамона тадбирдан завқ олиб ўтирган 5-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси, стипендиат Ситора Умурованинг онаси Дилуфар опа билан ҳам сўхбатлашдик.

— Фарзанднинг қувончини кўриш ҳар бир ота-она учун бир бахт бўлса, у ҳақдаги яхши гапларни эшитиш икки ҳисса бахтдир, — дея сўз бошлади Дилуфар Умурова. — Бир кун қизим мактабдан пул кўтариб келди. Қардан олдинг, деган саволимга, «ойижон, буни менга ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши қошидаги «Истиқбол»

ёшлар қанотининг раиси ҳамма-нинг олдиде топширди. «Наъмунали хулқингиз, аъло баҳоларга ўқиганингиз, жамоатчилигингиз учун партиямиз сизни ўз стипендиясига лойиқ топди» деб айтди, деди. Хайрон қолдим, чунки одатда стипендиялар талабаларга бериларди. Суриштираман, фарзандимнинг тиришқоқлиги ҳамда отасининг вафот этганлиги ҳисобга олиниб, уни шу стипендияга лойиқ топишган экан. Гап аслида пулда эмас, эътиборда. Ўқувчиларнинг билимга интилишини рағбатлантириш — яхши ўйланган иш назаримда. Чунки стипендия олгандан сўнг қизимда ўқишга қизиқиши янада ортганини сездим.

Бугун ёшлар қалбиде порлок келажакка, нурли истиқболга уруғ қадашдек савобли ишнинг бошида турган Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдиде бу каби режалар ҳали талайгина. Аслида ёшларнинг қалбиде ҳеч қачон ёвузлик бўлмайдди, аксинча, эзгулик уруғлари бўлади. Ҳамма гап ана шу уруғларни кўкартира олишда. Бу каби тадбирлар эса олийжаноб мақсадларга хизмат қиладиде, деб ўйлаймиз.

Нафиса ПЎЛАТОВА,  
ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси

## ДЕНОВ ДОВОН ОШДИ

Туман галлакорлари давлат қабул пунктларида 24 минг тонна сардон етказиб бериб, Сурхондарё вилотида давлат шартномасий режасини биринчилар қатори урдалашди. Хар гектар майдондан ўртача 52 цетнердан ҳосил

олинди. Ҳазорбоғ, Галаба, Ислом Тўраев номли, Охунбобоев номли, Саминжон Отабоев номли ширкат ҳамда «Лочин», «Бахриддин», «Исмоил», «Улугбек», «Алпомиш» каби фермер хўжаликлариде ўртача ҳосилдорлик 65-70 цетнерга етди.

— Давлатга яна 4 минг 800 тонна уруғлик дон гала етказиб беришни мақсад қилганмиз, — дейди туман ҳокими Абдусаммад Хожикўлов. — Фалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шугдор қилишга ҳам киришдик...

Абдумалик ХАЙДАРОВ

## ГРЕНОБЛДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жағғармаси ва мамлакатимиз олий ўқув юртлири вакиллари Франциянинг Гренобль шаҳридаги Пьер Мендес Франс университетиде бўлишди. Ушбу таширфдан кўзланган мақсад — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида ривожланган давлатлар университетлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

Пьер Мендес Франс университети — мамлакатдаги энг йирик олий ўқув юртлиридан биридир. Унда тахсил олаётган 19 минг талабадан 3 минггине хорижий давлатлар фуқаролари ташкил этади. Таълим сифати юксак Европа андазаларига йўналтирилган бу олий ўқув юрти Европанинг бошқа машҳур университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг Гренобль университети билан ҳамкорлиги 2005 йилда «Темпус» дастури доирасида «Университет бошқарувиға замонавий ахборот технологияларини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишдан бошланган эди. Ушбу лойиҳа доирасида ажратилган маблағ ҳисобига Тошкент давлат педагогика университетиде ахборот алмашувининг электрон тизими яратилди, 12 замонавий компьютер ҳамда бошқа техник анжомлар харид қилинди. Унинг 13 нафар ходими Франция ва Испания университетлариде

малака ошириб қайтишди. Пойтахтдаги педагогика университети ҳузуриде, шунигиндек, табиий фанлар, педагогика ва ахборот технологияларидан сабоқ бериш бўйича масофавий ўқитиш маркази ҳамда унинг Гулистон ва Бухородаги филиаллари ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа доирасида «Истеъдод» жағғармаси маҳаллий ҳамкор, Пьер Мендес Франс, Чехиядаги Масарик, Испаниядаги Малага ва Бельгиядаги Либре университетлари эса Европа томонидан ҳамкорлар сифатида иштирок этади.

Греноблда Ўзбекистон делегацияси иштирокида Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда лойиҳа юзасидан олиб борилган иш яқунлари ва уни амалга оширишни давом эттириш бўйича вазифалар муҳокама этилди. Франция томони Ўзбекистонлик ҳамкасблар бажарган ишларнинг юксак даражадалигини ҳисобга олиб, «Темпус» дастури доирасида лой-

иҳанинги янги босқичини танловга илгари суришга қарор қилди.

— Лойиҳани бажариш сифати Тошкент давлат педагогика университети жамоасининг юксак илмий салоҳиятидан далолат беради, — дейди Пьер Мендес Франс университети халқаро алоқалар бўлими мудири, лойиҳанинги Европа томонидан мувофиқлаштирувчиси Елена Симмиони. — Биргаликдаги ишмизнинг янги босқичи педагогика кадрлар малакасини ошириш тизимида ахборот технологиялари даражасини кўтариш имконини беради.

Чехиянинг Масарик университети педагогика кафедраси мудири Милан Польш мамлакатимиздаги ўқув дастурларининг замонавий талабларга мослигини ва бу педагогика кадрлар малакасини ошириш тизимиға инновация технологияларини жорий этишда муҳим омил бўлишини кайд этди.

Ташриф давомида Пьер Мендес Франс университети билан Гулистон ва Бухоро давлат университетлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Файрат ШУКУРОВ,  
«Жаҳон» АА  
Париж

### ТУШУНЧА

Оқил дер: — кўп менга ўқиманг тақбир,  
Мендан ҳам оқиллар бордир дунёда.  
Нодон дер: — Бир мени койманг ахир,  
Бордир подонлар ҳам мenden зийда.

Абдулла ОРИПОВ  
14.06.2006й.

### • Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноят, курилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим муассасалари курилиши ва уларни таъмирлашга доир қонунларининг Андижон вилотида ижро этилиши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими вазири, «Давархитектура» давлат қўмитаси вакиллари ҳамда Андижон вилоти ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этиди.

Масалани ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 2004-2009 йилларға мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури бўйича тақдирлар ту-

зилганда Андижон вилотидаги умумтаълим мактабларининг аҳолини текшириш вилот халқ таълими бошқармаси, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари томонидан аксарият ҳолларда юзаки олиб борилган.

Марҳамат, Қўрғонтепа, Жалақудук, Олтинқўл, Балиқчи туманлари ва Андижон шаҳридаги бир қатор умумтаълим мактабларида электр симлари ва электр шитлари бутунлай очик ҳолдалиги кишини ташвишлантиради. Яна шу нарса аниқландики, аксарият мактабларда, мебель жиҳозлари ва усуналар, талаб даражасига жавоб бермайдди.

Бундан ташқари, қайта курилиб, фойдаланишга топширилган мактабларнинг аксарият синфхоналари янги ўқув жиҳозлари билан тўлиқ жиҳозланма-

ган. Бугунги кунга қадар Андижон вилотида «2005-2009 йиллар учун умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория усуналари, компьютерлар техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлаш дастури»ға киритилган мактаблар компьютер техникаси билан таъминланмаган.

Қўмита Андижон вилоти халқ таълими бошқармаси ва ҳудудий бўлинмаларининг мактаблари жиҳозлар ва ўқув усуналари билан таъминлашга доир норматив ҳужжатларни ижро этиш борасидаги ишнни қонқарсиз деб топди. Аҳвол юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўриш, назорат ўрнатил тавсия этилди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

### ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Қашқадарё вилотидаги ижроси муҳокама этилди.

Маълумотларға кўра, бугунги кунда вилотда жами 894 та маданий обидалар (шулардан 820 таси ёдгорлик, 37 таси ансамбль) рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 216 таси республика, 678 таси эса маҳаллий аҳамиятга эга объектлар ҳисобланади.

Маълумки, кейинги йилларда Юртобшмизнинг бевосита раҳбарлигида тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш, реконструкция қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Натичада Қарши шаҳри, Китоб, Шаҳрисабз, Муборак туманларида жойлашган бир неча ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар» рўйхатига киритилди.

Шунингдек, Президентимизнинг Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қабул қилинган қарорларининг ижроси бўйича вилотда жуда катта ҳажмдаги курилиш-ободончилик ишлари олиб борилди. Жумладан, Оксарой, Дор ус-сиёдат, Хонақо, Амир Темур ёроти даҳмаси, Жаҳонгир, Шамсиддин Кулол макбаралари, Чорсу гумбази, Кўк гумбаз, Одина масжидлари, Коба қарвонсаройи каби ўнлаб ёдгорликлар бугун тўлиқ реконструкция қилиниб, асл ҳолиға қайтарилди.

Махлсиде қонун ижроси юзасидан вилотда олиб борилган ижобий ишлар қаторида айрим камчиликлар ҳам борлиги айтиб ўтилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тақдир-мулохазалар билдирилди.

Йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Маъмуржон МАҲМУД

## СПОРТ — ЖОНУ ДИЛИМ

уни болалар ўртасида кўпроқ оммалаштириш эса орзуим, — дейди Богот туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени совриндори Эркин Эрнафасов

Кураш бўйича спорт устаси Эркин Эрнафасовни нафақат туманда, балки вилотда кўпга яхши танийди. У ўз вази бўйича бир неча бор республика ҳамда Осиё чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган полвон. Айни пайтда ана шу номдор спортчи тумандаги болалар ва ўсмирларға кураш маҳорати, полвонлик сирини синоатларидан сабоқ бераяпти. Қувончли томони шундаки, унинг шогирдлари орасидан мамлакат чемпионлари, халқаро турнирларнинг совриндорлари етишиб чиқапти.

— Мактабимизда спортнинг етти тури бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилмоқда, — дейди спорт мактаби директори Матқурбон Жуманиёев. — Бу ишларда тажрибали мураббий Эркин ака Эрнафасовнинг хизматлари катта бўлаётти. Шунинг учун ҳам Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан у киши II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан муқофотланди.

Суратда: ордени мураббий Эркин Эрнафасов (ўндан иккинчи) шогирдлари билан.

### • Болалар спорти



Шевкет АКРАМОВ олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!  
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40  
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com  
Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANKORI!  
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари  
Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР  
Хизматлар лицензияланган

● Парламент фаолияти

# ПАРТИЯГА ИШОНЧИМИЗ ОРТДИ

Мамлакатимизда бир қатор сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг фаолияти, дастурий мақсадларидан ҳамма ҳам бирдек хабардор эмас. Аслида юртимиздаги сиёсий партиялар тўғрисида барчамиз, хусусан, биз ёшлар яхши билимга эга бўлишимиз лозим.

Яқинда олийгоҳимизда қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Уни ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ташкил қилди. Мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Марказий Кенгаши

раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева қатнашиб, биз талабалар билан суҳбатлашди.

Депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолиятига кенг тўхталди. Шунингдек, ёшлар орасида жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши қандай курашишимиз, доимо огоҳ бўлишимиз борасида, жамият, фан ва техниканинг ривожланиш жараёнида фуқаролик ҳуқуқининг янги объектлари вужудга келаётгани, улар би-

лан боғлиқ муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш, мамлакатимизда ёшлар, талабалар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, шулардан тўла фойдаланиш ва озод Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш ҳар биримизнинг инсоний, фуқаролик бурчимиз эканлиги нотик эътиборидан четда қолмади.

Бизни қизиқтирган коммунал тўловлар борасида, ёшлар ўртасида ишсизликнинг олдини олиш, бу борада парламент Қонунчи-

лик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги саволларимизга батафсил жавоб берди.

Ушбу учрашув туфайли биз ёшларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ишончимиз ошди. Бундай ошқора мулоқотлар мунтазам ўтказилиб турилишини истар эдик.

**Яшн ИСМОИЛОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси

● Партиямиз фаоллари

# МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРИ



Вобкентдаги Пирмаст кишлоқ фуқаролар йиғини нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг кўзга кўринган ўзини ўзи бошқариш органларидан бири. 6018 нафар аҳоли яшайдиган бу йиғинда 1598 та оила мавжуд. Табиийки, бу ерда раислик қиладиган инсоннинг юки оғир, юмуши кўп. Кишлоқ ахли бундай масъулиятли ишларни бир неча йиллардан бунён йиғинга раислик қилиб келаётган Қайом Қозоқов яхши эплашига ишонади. Шу боис у кишини яқинда маҳалладошлари яна раис этиб сайлашди.

— Қайом Қозоқовнинг кўпгина оилаларга хизмати сингган, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Толиб Аевзов. — Унинг бутун фикри-ёди маҳалла ташвиши, шу ҳудуднинг муаммолари. У партия аъзоси сифатида ҳам яхши обрўга эга.

Дарҳақиқат, оқсоқол ким нима иш билан банд, қайси оила нотинч, ким нимага муҳтож — ҳамма-ҳаммасини билади. Президентимиз ҳарорига мувофиқ кишлоқдаги 11 оилага қорамол берилди. Бу ишга ҳам Қайом отанинг ўзи бош-қош бўлди. Йиғин ҳудудида 11 та хусусий қорхона, 25 та фермер ва 49 та яқна тартибдаги дехқон хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳам муаммоларини раис билан бамаслаҳат ҳал этишади.

— Бугун биз ногиронлар аравачаси, юк ташишга мўлжалланган кажавали велосипедлар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди «Шиннипаз» корхона раҳбари Раҳим Шехов. — Жойимиз торлик қилгани боис раисга мурожаат этдик. Унинг аралашуви билан яқинда қурилиш учун ер ажратилдиган бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Пирмаст кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қайом Қозоқов (оқорида, ўғда) маҳалла фаоллари билан; маҳаллада пайвандчилар учун ҳам иш топилди.

Шунингдек, ярашув институти олайлик. Бир пайтлар икки

● Ҳуқуқий ислоҳот

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

Маълумки, собиқ шўролар тузуми даврида фуқаролар судларга фақатгина жазоловчи идора сифатида қарашарди. Шунинг учун қимнингдир иши судга тушса, албатта унга бирор-бир жазо чораси қўлланиларди. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, барча бошқа соҳаларда бўлгани каби суд ҳуқуқ тизимида ҳам бир қатор ислохотлар ўтказилди, улар бугун ўз натижасини бермоқда. Яъни, фуқароларимизда суд жазоловчи идора эмас, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган эканлигига ишонч уйғонди.

Албатта, бу борада энг аввало, судларнинг ихтисослашуви асосий ўрин тутди. Чунки мустақилликкача барча турдаги, у хоҳ жиноий, хоҳ фуқаролик ва хоҳ хўжалик иши бўлсин, биргина суд қўриб чиқар ва ҳал қиларди. Маълумки, бундай ҳолатда ҳар қандай судья хатога йўл қўйиши мумкин. Тизимда ўтказилган ислохотлар натижасида Жиноят ишлари, Фуқаролик ишлари ва Хўжалик ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Бу ўзгариш эса жуда қисқа муддат орасида ўзининг ижобий натижасини бериб, фуқароларимизда судларга бўлган ишончнинг ортисига сабаб бўлди.

Шунингдек, ярашув институти олайлик. Бир пайтлар икки

қўшни ўртасидаги оддий жанжал ёки тенгдош жўраларнинг тортишуви оқибатида келиб чиққан муштлашув ҳам охир-оқибат қимнингдир қамқоқ жазосига тортилиши билан яқун топарди. Бу эса кўп ҳолларда қўшни-қўшни, қариндош-уруғ ёки қўда-анда-ларнинг юз кўрмас бўлиб кетиши, энг ёмони, арзимас нарсадан чиққан жанжал туфайли икки оила билан бир-бирига бир умр душман бўлиб қолишига сабаб бўларди. Ярашув институти ана шундай салбий ҳолатларга чек қўйди.

Хайдовчи Толмас Носиров қонидани бузиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишига сабаб бўлган. Автоалоҳат натижасида пиёда Олим Ҳамроев энгил тан жароҳати олган. Хайдовчи ўз вақтида жабрланувчига ёрдам кўрсатиб, уни шифохонага олиб борган. Керакли дори-дармон-

● Оқсоқоллар сайлови

# ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

Маълумки, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла тарихи бир неча минг йилларга бориб тақалса-да, фақат мустақиллик давридагина унинг аҳамияти ва моҳияти юксак қадрлана бошланди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти эркинлаштирилди. Уларнинг тараққуёти таъминланди, келажаги кафолатланди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини ҳуқуқий тартибга солуви юридик негиз, тегишли қонунчилик яратилди ва изчил мукамаллаштириб берилмоқда. Конституцияимизда фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига алоҳида 105-модда бағишлангани, яъни уларга конституциявий мақом берилгани Ўзбекистон учун маҳаллалар нечоғли муҳим аҳамият касб этишидан далолатдир. Маҳаллалар фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини таъминлашга қаратилган махсус «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши юқорида зикр этилган конституциявий қондан хатга татбиқ этиш йўлида жиддий аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринли.

Унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солуви муайян қондалар, аниқ мезъорлар мавжуд эмас эди. Ушбу жараён ҳар икки ярим йилда сайловлар арафасида Олий Мажлис Кенгаши қабул қиладиган қарор асосида ва 2001 йили тасдиқланган намунавий Низом билан тартибга солинар эди. Худди ана шу шарт-шароит, шунингдек, йиллар давомида тўпланган ибратли тажрибалар фуқаролар йиғинларига ўтадиган сайловларнинг тартибга солуви алоҳида қўнун яратиш заруратини кўн тартибига қўйди. Қолаверса, демократия дарсхонаси бўлиши маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари сайловларининг ўта кенг миқёсда ўтиши ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳам шуни таъқозо этаётган.

Ушбу сайлов кампанияси маҳалланинг миллий демократик институт эканлигини яна бир бор очиб ва ошқора намойён этди.

Шундай кезларда, маҳаллада туғилмаган, маҳаллада яшаб кўрмаган, маҳалла ҳақидаги ҳақиқий билим ва ўғитлардан беҳабар баъзи бир хорижлик «маҳаллашунослар»нинг сизу бизга маҳалладан сабоқ бериш ҳаракатига тушиб, чиранганлик ҳолатларига дуч келганимиз ҳам беихтиёр ёдга тушади. Мана, марҳамат, ўзлари тушунб-тушунмаган масала юзасидан ақл ўргатувчилар маҳалла сайловларига 12 миллион нафардан ортқ киши ёки мамлакатимиздаги катта ёшли аҳолининг қарийб 97 фоизи қатнашиши мумкинлигиндан иборат биргина далилни ихсоҳлаб, талқин этиб берсинлар-чи? Маҳалланинг туб демократик институт эканлиги биргина ана шу рақам замирида мўжассам эмасми?

Ишончимиз қимматли бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳам халқимиз учун демократия мактаби бўлади. Ушбу сайловлар ошқоралик шароитида, фуқароларнинг юксак фаоллиги остида ўтаётганига ҳаммамиз тўғхўзим.

**Ҳолда САИДОВА,**  
Тошкент давлат юридик институти аспиранти

● Долзарб мавзу

# МАТБААЧИЛИК: БУГУН ВА ЭРТАГА

УШБУ СОҲА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА МУТАХАССИС БИЛАН СУҲБАТ



О.Раҳимов (ўртада) шогирдлари билан.

Ҳар куни янги газеталарни кўздан кечирасиз, қўлингиз текканда китоб varaқлайсиз, фарзандларингизга, набираларингизга дарсликлар олиб берасиз. Қисқаси, матбаа маҳсулотларига бўлган талабимиз орта ортадики қаммаймайди. Лекин бирор марта бўлсин ушбу соҳа ҳақида ўйлаб кўрганмиз, унинг истиқболлари, муаммолари тўғрисида нималарни биласиз? Мақсадимизни аниқлаш бўлсангиз бугунги суҳбатимиз ана шу ҳақда.

Яқинда бир гуруҳ матбаачилар билан суҳбатлашиб ўтирганимизда хонага яна бир матбаачи Одил Раҳимов кириб келди.

«Бу одамни биласизми?» деб қолди таникли матбаачи, меҳнат фахрийси Исрол Шогулмов.

— Ҳа, ишимиз бевосита улар билан боғлиқ, бир неча йиллардан бери бир-биримизни яхши биламиз. Истеъдодли шоир ва драматург, публицист Эгам Раҳимовнинг ўғли — бугунги кунда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳандиси, Одил Раҳимов бўладилар, — дедим.

— Йўқ, яхши билмас экансиз, — деди оқсоқол мени ажаблантириб. Сўнг кўшимча қилди: — бу одам матбаачилик соҳасида биринчи фан докторимиз...

Шундан сўнг Одил Раҳимов ҳақида маълумот йиғиб бошладим. Мақсад — у

билан матбаачилик аҳволи, муаммолари, келажаги ҳақида суҳбатлашиш эди.

«Шарқ» НМАК бош директори Омонулло ЮНУСОВ эътироби:

— У 2001— 2002 йилларда Германиядан офсет босма бўйича замонавий «Рапида» машинасини харид қилишда, 2003— 2005 йилларда газета чоп этишгача бўлган жараёнларда қолип тайёрлаш муддатини қисқартириш ва сифатини юқори даражага олиб чиқишда янги электрон монтаж, плёнкасиз қолип тайёрлаш технологиясида энг янги ускуна — СтРни ишлаб чиқаришга жорий этишда унинг хиссаси катта бўлди. Бу ускуна, шунингдек, босма маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни таркибида маълумот узатиш тизими бўйича газета саҳифаларини қабул қилиш, маълумотларни ишлаш, газеталарни

марказлаштирилмаган тарзда босишда фойдаланилмоқда. Тахририятлар билан босмахона ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада такомиллаштириш, босма маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, босма агрегатларини бирлаштириш базасида босма маҳсулотлари сифатини ошириш бўйича ҳам ишларни давом эттирмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти (ТТЕСИ)нинг «Тўқимачилик, кимё, ахборот ва матбаа технологияси» факультети декани, техника фанлари номзоди, доцент Абдумўмин БУЛАНОВ қайдлари:

— Одилжан Москва полиграфия институти, сўнг аспирантурасини битиргач, 1981 йили номзодлик диссертациясини ёқлади, 1988 йили институтиимизда матбаачилик бўйича кафедра очилишида асосланганда бири бўлди. 2004 йилда эса ТТЕСИда «Матбаа ишлаб чиқариш машиналари, агрегатлари ва жараёнлари» ихтисослиги бўйича докторлик ишини ҳимоя қилди. 2006 йил унга профессор илмий унвони берилди. Илмий мақолалари Япония, Германия, Италия, Россия ва Украинада чоп этилган.

2 та монография, 2 та рисола, бир неча методик қўлланма, полиграфия соҳасини ривожлантириш бўйича 90 та илмий мақола муаллифи.

ТТЕСИда «Матбаа ва босма маҳсулотлар дизайни» мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистрларга дарс беради.

Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида матбаа соҳасида муҳим бўлган 2 йўналиш — «Бозор шароитида матбаа корхонасининг динамик модели» ва «Матбаа соҳасида ахборот коммуникациялари технологиялари» бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари унинг саъй-ҳаракати билан 2005 — 2007 йилларга мўлжалланган «Шарқ» НМАКнинг илмий-техник ривожланиш Концепцияси ишлаб чиқилган...

Мутахассисларнинг айтишича, матбаачилик соҳасида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланганлар саноқли бўлиб, республика бўйича атиги иккитагина фан номзоди бор экан. Фан доктори эса ягона.

Ана шундай мутахассис билан суҳбат фойдадан холи бўлмайди, албатта.

— Одил ака, ўзингизга яхши маълумки, бундан 15 йил аввалги матбаачилик саноати билан бу-

гунгисининг ўртасида катта фарқ бор. Ҳозирги шиддатли замон фан ютуқлари асосида тезкор ривожланиши тақозо этади. Айтнинг-чи, бу жараён матбаачилик ишлаб чиқаришида қандай акс этмоқда?

— Аввало, шуни айтишим керакики, матбаачиликнинг бошқа соҳалардан фарқи бор: бу соҳада ҳам моддий, ҳам маънавий товар ишлаб чиқарилади. Демак, масъулият ўзга соҳаларга қараганда, икки хисса ортқ. Шуни ҳеч қачон назардан қочирмаслигимиз керак.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда матбаачилик саноати жуда тез ривожланди. Ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар, жумладан, компьютер тизимининг кириб келиши натижасида маҳсулот сифати яхшиланди, уларнинг турлари кўпайди. Бу жараён «Шарқ» НМАКда ҳам ўз аксини топмақда. Юқори босма усули ўрнини офсет босма эгаллади. Цехларимиз замон талабига мос Гейделберг ва КВА компанияларининг босма ускуналари билан жиҳозлангач, бизда ҳам жаҳон андазаларидиғи ўқув адабиётлари, реклама характеридаги босмалар, ёрликлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Турли рангдаги газеталарга эҳтиёж ортиб бораётганини хисобга олиб, Ҳиндистондан «Orient Super» қорғоз ўрамини (рулон) билан «заряд»ланадиган офсет босма ускунаси сотиб олинди ва ўтган йилдан эътиборан унда рангли газеталар босилмоқда. Бундан саноқли йиллар олдин матн териш ва газеталарни саҳифалаш марказлашган ҳолда босмахонаимизнинг Газеталар мажмуасида амалга оширилган бўлса, эндиликда бу юмушлар ва хатто ранглар билан ишлаш (рангларни ажратиш) жараёнлари ҳам бевосита тахририятларнинг ўзида амалга оширилиб, саҳифалар тайёр бўлгач, плёнкага олиш учун янги тизим орқали бизга жўнатишмоқда.

— Ҳам олим, ҳам ишлаб чиқариш мутахассиси айтсангиз, республикамизда матбаачилик замон талабларига жавоб берадими? Рангли босмалар талаб даражасида деб ўйлайсизми?

— Матбаачилик мамлакатимизда замон талабига босма ривиди ривожланиб бормоқда. Катта шаҳарлардаги босмахоналарнинг бугунги аҳволи анча яхши.



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ ТЎҒРИ ЧИҚАРМИКАН?

Ўз гуруҳидан навбатдаги босқичга ўтаётганлар бирин-кетин маълум бўляпти



Катта спорт байрами — Германияда давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларини мухлислар диққат билан кузатиб боришяпти. Қайси жамоалар гуруҳ ғолиби бўлади? Чорак финалда қайси давлат вакиллари майдонга тушади? Ярим финалда-чи? Шу ҳақдаги бахс-мунозаралар, тортишувлар авжига чиққан.

Малайзияда ном таратган мунажжим ўз фикрларини баён қилибди. У юлдузларнинг кўрсатиши ҳамда таҳмин қилишнинг хитойча анъанавий усуллари билан қўллаган ҳолда ит йилда ҳамма Бразилия ва Италия футбол жамоалари галаба қозонганини таъкидламоқда. Эмишки, яқунловчи учрашувда Германия — Бразилия, Германия — Англия, Италия — Англия чемпионлиги даъвогар бўларкану, лекин, ҳаммадан кўра аниқроғи Италия — Бразилия жамоалари майдонга тушармиш. Дэниэл Чан исми мунажжим ҳар тўрт йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатлари от, ит, барс мунажжим кезларига тўғри келишини таъкидлайди. Ит йилида ҳамма Италия ёки Бразилия чемпион бўлгани ҳам аниқ. Қўзғини шундаки, ит йилига (1934, 1958, 1970, 1982 ва 1994) тўғри келган чемпионатларда Италия икки марта, Бразилия тўрт

марта галаба қозонган. Ҳозирча бирон нарса дейиш қийин. Бироқ Бразилия ва Италия футболчилари бу галги чемпионати галаба билан бошлаганини мухлислар яхши билишади.

Гуруҳларда ўтказиладиган учрашувлар эса тобора шиддатли тус олмақда. Дастлабки тур ўйинларини ўтказган Украина футболчиларининг аҳоли танг бўлиб қолганини эса мухлислар турлича баҳоламоқдалар. Туринси, чемпионатта пухта ҳозирлик кўрган Украина жамоасининг кутилмаганда бундай аҳолга тушиши албатта ачинарлидир. Бир эмас, дарвозадан тўртта жавобсиз тўп ўтказиб юборилишини ким ҳам ўйлабди дейсиз. Украина терма жамоасининг бош мураббийи Олег Блохин: «Мағлубиятга асосий сабаб, ҳавонинг исиб кетиши. Қолаверса, футболчилар чемпионатга тайёргарлик билан расмий учрашувни ўйғунлаштира билмадилар. Бунинг устига испанлар аjoyиб ўйин кўрсатишди. Ҳакамларга келсак, унга баҳо бериш вазифамга кирмайди. Муҳими, омадсизликдан фоҳиа ясамаслик керак. Хали умидимиз бор», деган фикрини айтган.

«А» гуруҳида яна иккита учрашув бўлиб ўтди. Германия — Польша ўйинида дарвозага битта тўп киритилиб, майдон эгалари муваффақият қозонган бўлса, Эквадор — Коста-Рика футболчилари учрашувда дарвозага учта жавобсиз тўп йўллади. Умуман, Эквадор футболчиларининг ўйинлари мухлисларга маълум тушди. Учрашувнинг 8-дақиқасида Карлос Тенорио ҳисобни очган бўлса, 56-дақиқага борганда эквадорлик ҳужумчи Агустин Дельгадо ўзини кўрсатди. Учрашувнинг қўшимча вақтида Иван Кавьедес дарвозани аниқ нишонга олиб галабани мустаҳкамлади. Шун-



дай қилиб, Эквадор жамоаси ним чорак финалга чиқишни нақд қилиб қўйди.

«А» гуруҳи кўйидагича манзара олди:

	Ю	Д	М	Т	О
Эквадор	2	0	0	5-0	6
Германия	2	0	0	5-2	6
Коста-Рика	0	0	2	2-5	0
Польша	0	0	2	0-3	0

охирида дарвозага йўллади. Хусусан, 83-дақиқада машҳур футболчи Давид Бекхэм ошириб берган

«В» гуруҳи кўйидагича манзара олди:

	Ю	Д	М	Т	О
Англия	2	0	0	3-0	6
Швеция	1	1	0	1-0	4
Т.Тобаго	0	1	1	0-2	1
Парагвай	0	0	2	0-2	0

тўпни Питер Крауч дарвозага йўллаб, ҳисобни очган бўлса, 4-дақиқада белги-ланган қўшимча вақтда Стивен Жеррард иккинчи тўпни киритиб, жамоаси галабасини таъминлади. Бу галги чемпионатда Парагвай футболчиларига осон бўлмади. Улар иккинчи учрашувни ҳам бой берди. Бу сафар парагвайликлар Швеция футболчиларидан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Шундай қилиб, ўтказилган икки ўйиндан кейин «В» гуруҳининг

кўриниши кўйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
Кеча Аргентина — Сербия ва Черногория жамоалари (6:0) учрашди.					
Бугун Португалия — Эрон жамоаси учрашув билан «Д» гуруҳидаги футболчилар ҳам иккинчи тур ўйинларини якунлашди. Шунингдек, «Е» гуруҳидаги Италия — АКШ, Чехия — Гана жамоалари ўртасида бўладиган учрашувлар ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.					

«В» гуруҳидаги кўриниши кўйидагича:

## «Кураш — миллат ғурури» танловига

### ЎЗБЕК КУРАШИ

Оллоҳ, ўзинг бергин қудрат, Ватан, сенинг руҳинг қувват. Онларнинг дуолари Бизга мадад, бизга мадад. Кураш, кураш, миллий кураш, Юртнинг ори учун кураш. Кучинг бори билан кураш, Аваёл сўраш — сўнгра беллаш. Ёнбош, ҳалола, тўқилар тер, Унга Ватан — шу она ер. Ўзбекистон полволлари — Ҳақиқий эр, ҳақиқий шер.



Ватанимнинг сиз виждони, Сиз борсиз, тинч юрт осмони. Номингиз ҳам буюк, қутлуғ, Ўзбекистон паҳлавони.

### ПОЛВОННИНГ ОНАСИ

Полвоннинг довуғи оламга етди, Кураги ҳеч ерга тегмади сира. Қишлоқда у ҳақда миш-мишлар кетди, Қандайин бақувват, кучини кўр-а! Чап-астан полвонларни енгиб курашда Паҳлавон, деб элда чиқазди довуғ. Номи тилдан-тилга бўларди достон Гўё ўйинчоқдек келарди ютуқ. Бақувват онанинг фарзанди эди Ёлғиз ўғил, кўзин оқу қораси. Ким кўрса, онага бахтлисан, дерди Мудом ғолиб ахир унинг боласи. Олқишларди юрти, эли, қишлоғи, Она мағрур эди, она эди шод. Ким кўрса, отанга минг раҳмат дерди Она кўнгли эса бўларди обод. Бир кун она қалбин титратди хабар — Уелнинг ютқазди бугун курашда. Узоқ қишлоқданмиш ғолиб қаҳрамон Шундан қишлоқдошлар юраги ғаш-да. Қалб титраб кетди онанинг шу он, Фарзанди томонга чопди, елди у. — У қандай паҳлавон сени йўқитган, Унинг онасини бир бор кўрайлик. Хафа бўлма, йўлга тушамиз шу он, Уелнинг довуғин қани сўрайлик. Кири бора бошлар уша қишлоққа Савол қуршоевда икков бирпасда. Орадан бир тоғни айлаиб ўтар Ва паҳлавон уйин сўроқлар аста. Кўрса, паҳлавоннинг ҳовлиси ичра, Бир аёл нон ёпар эмиш тандирда. Басавлат, юзлари ширмондай қизил, Шунда тан берибди она тақдирга. Энди ҳеч гинанинг фойдаси йўқдир, Юр ўғлим, дебди у қайтайлик изга. Бўлган воқеадан кўнглим ҳам тўқдир, Ишонмадим сўзга, ишондим кўзга. Шундай она туққан бўлса полвонни, Сени йўқитгани албатта ҳалола. Фарзанди ишғанилик бақувват бўлар, Қанчалик саломат бўлса гар аёл.

Кавсар ТУРДИЕВА

# САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ



Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти аграр соҳадаги нуфузли олий ўқув юртилардан бири бўлиб, нафақат Марказий Осиё, балки Хитой, Афғонистон, Эрон, Болгария, Россия, АКШ, Куба, Миср, Мўғулистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар учун ҳам малакали кадрлар тайёрлаб берган.

автоматаб, автосарой, 224,5 га. майдонга эга бўлган ўқув тажриба маркази, ветеринария аптекалари талабалар ва ўқитувчилар хизматида. Институтнинг 4 та факультетининг 16 та таълим йўналишлари, 23 та мутахассислик, шунингдек, 13 та ихтисослик бўйича аспирантура ва 6 ихтисослик бўйича докторантурада бакалаврлар, магистрлар, фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланмоқда.

Исроил, Малайзия университетларида малака оширган бўлсалар, LOGO дастури бўйича Германиянинг илғор фермер хўжаликларида талабалар ўз малакаларини оширишга эришдилар.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!


Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 2006-2007 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурага қабул эълон қилади

### БАКАЛАВР ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА:

- 1. Агрономия факультети**
  - агрономия
  - агрокимё ва агротупроқшунослик
  - қишлоқ хўжалик эканлари уруғчилиги ва селекцияси
  - ўсимликлар ҳимояси ва карантини
  - ўрмончилик
  - инакчилик
  - касб таълими (агрономия)
- 2. Иқтисодийёт ва бошқарув факультети**
  - иқтисодийёт (қишлоқ хўжалигида)
  - фермер хўжалигини бошқариш
- 3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультети**
  - қишлоқ хўжалигини механизациялаш
  - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни даст-

### МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА:

- пахтачилик
  - умумий деҳқончилик
  - сабзавотчилик
  - дала эканлари уруғчилиги ва селекцияси
  - иқтисодийёт (соҳалар бўйича)
  - бухгалтерия ҳисоби (соҳалар бўйича)
  - деҳқончиликни механизациялаш
  - наслчилик ишлари
  - қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонларнинг турлари бўйича)
  - йилқичилик ва туячилик
  - қорақўлчилик
  - қорақўлчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш технологияси
  - ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
  - ветеринария жароҳдиги
  - ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси
  - паразитар касалликлар
  - тренинг ва от касалликлари
- Кўйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**
- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
  - олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
  - У086 шаклидаги тиббий маълумотнома;
  - 3x4 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
  - паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
  - Ҳужжатлар 1 июдан 30 июлгача қабул қилинади.



## Диққат! Ҳурматли абитуриентлар ва ота-оналар!

Институт ректорати сизларни 2006 йил 17-25 июнь кунлари соат 11<sup>00</sup> да ўтказиладиган «Очиқ эшиклар» кунига таклиф этади. Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: 234-33-20, факс: 234-07-86

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
<b>Abdulla O'RIPOV</b>
<b>Latif G'ULO'MOV</b>
<b>Asliddin RUSTAMOV</b>
<b>Ashur QODIROV</b>
<b>Bobir ALIMOV</b>
<b>Farruh HAMROYEV</b>
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
<b>Alimqul SULTONOV</b>
(Bosh muharrir o'rinbosari)
<b>Andrey ORLOV</b>
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
<b>Norbobo SHAKAROV</b>
<b>Nomoz SA'DULLAYEV</b>
<b>To'lepbegon QAIPIBERGENOV</b>
<b>Muslihidin MUHIDDINOV</b>
<b>Olim MURODOV</b>
<b>Abdug'ani MAMASODIQOV</b>
(Mas'ul kotib)
<b>MUASSIS:</b>
<b>O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI</b>
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Siyosat, partiya va xalqaro hayot</b>
133-10-13
<b>Ma'naviyat va ma'rifat</b>
133-69-45
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b>
133-20-36
<b>Parlament va huquq</b>
136-76-21
<b>Ekologiya va salomatlik</b>
133-44-55
<b>Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik</b>
133-21-43
<b>Xatlar va ommaviy ishlar</b>
133-12-56 (Tel. Faks)
<b>Mas'ul kotib</b>
133-72-83
<b>Reklama va e'lonlar</b>
133-38-55, 133-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda —</b>
25-32-70
<b>Buxoroda —</b>
222-10-92
<b>Gulistonda —</b>
25-22-32
<b>Jizzaxda —</b>
5-49-85
<b>Navoiyda —</b>
223-83-73
<b>Namanganda —</b>
6-43-43
<b>Nukusda —</b>
222-70-15
<b>Samarqandda —</b>
35-20-54
<b>Urganchda —</b>
226-51-35
<b>Farg'onada —</b>
26-43-62
<b>Termezda —</b>
3-79-98
<b>MANZILIMIZ:</b>
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
<b>Navbatchesi:</b>
<b>Akbar JONUZQOV</b>
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: <b>Ikromjon ISMOILOV</b>
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
<b>Korxonalar manzili:</b>
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
<b>Hajmi 2 bosma taboq.</b>
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 850
10942 nusxada bosildi
Г — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.45
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 5
<b>Sotuvda erkin narxda</b>